• *Тўла хўжалик ҳисоби—экономикамиз истиқболи*

**ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТИЯЛАШ БИЛАН БИР ҚАТОРДА ТУБ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ БУТУН ҚАЙТА ҚУРИШИМИЗНИНГ ПОЙДЕВОРИДИР**

(XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси резолюциясидан).

**Ўзбекистон ССРдаги кўплаб қурилиш-монтаж ташкилотлари хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини бошқариш усулида меҳнат қиляптилар. «Узагропромстрой» кооператив-агросаноат давлат бирлашмаси коллективлари орасида Хоразм областидаги 2-«Агропромстрой» бирлашмаси биринчи бўлиб хўжалик юритишнинг янги методида ишлашга ўтганди. Бир ярим йил ичида ишлаб чиқариш муносабатларида ўзгаришлар содир бўлди, кишиларнинг самарали фаолият кўрсатишларига шарт-шароитлар яратилди. Социал соҳадаги масалаларни ҳал этишга эътибор кучайди. Шунга қарамасдан хоразмлик бинокорлар экономикани қайта қуришда айрим қийинчиликларга ҳам дуч келяптилар, янгиликнинг ўзига равон йўл топиши осон кўчмаяпти.**

**«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси «Узагропромстрой»нинг экономика бўйича республика маркази билан биргаликда бирлашмада ўтказган давра суҳбатида янги иш усулларини жорий этишдаги ютуқ ва камчиликлар, муаммолар ҳақида қизғин баҳс бўлди. Унда бирлашма бошлиғи Б. Ёқубов, унинг экономика масалалари бўйича ўринбосари С. Матвеева, меҳнат ва иш ҳақи бўлими катта инженери К. Бобожонов, 301-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна комплекс бригадаси бошлиғи Ю. Машарипов, 297-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна бошлиғи А. Машарипов. 296-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна дурадгори С. Аминов ва бошқалар иштирок этишди.**

# МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚИ

*Давра суҳбати*

## Таҳлил сабоғи

**Б. Ёқубов:** — Маълумки, бирлашма тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказилгани ишимизнинг пировард натижаларида, айниқса, пишиқпухта, сифатли иш бажарилаётганида яққол кўринмоқда. Умумий қурилиш ишларини амалга ошираётган тўқкизта хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннанинг барчаси рентабелликка эришиб, фойда олиб ишламоқдалар. Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор формалари XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида таъкидлаб ўтилганидек, кишиларни ўз ишларига нисбатан талабчанлик ва масъулият билан ёндашишга, барча имкониятларни ишга солишга, текисчиликнинг ҳар қандай кўринишига муросасиз бўлишга даъват этади. Энг муҳими, хўжалик юритишнинг янги механизми, демократиялаш жараёнини кучайтиришга хизмат қилади. Ислоҳотга ўтишга тайёргарлик жараёнида зарар келтириб ишлаётган иккита қурилиш бўлинмасини тугатдик.

Бирлашмамиз биринчилардан бўлиб илғор усулга ўтиб ишлай бошлагани зиммамизга юксак масъулият юклади. Коллектив дастлабки ойларданоқ барча имкониятларни тўла ишга солишга ҳаракат қилди. Натижада 1987 йил пудрат ишлари, объектларни фойдаланишга топшириш планлари ошириб бажарилди. Аввалги йилга нисбатан 7 процент ўсишга эришдик. Фойда олиб ишлай бошладик. Лекин энг муҳим кўрсаткичларнинг бири — меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғини уддалай олмадик. Таҳлил этиш мобайнида йўл қўйилган камчилик негизини топдик. Область агросаноат комитети, буюртмачиларимиз янги хўжалик ҳисоби усулида ишлашга тайёр эмасликлари ҳам ишимизнинг белига тепди. 1987 йил учун пудрат ишлари топшириғи 1 июлгача аниқланмаганини нима билан изоҳлаш мумкин? Шундай бўлгач, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қурилишда хўжалик механизмини такомиллаштириш чоралари тўғрисидаги 1986 йил 14 августда қабул қилган қарорида таъкидланган икки йиллик узлуксиз план тузиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

## Хатолар такрорланмоқда

**С. Матвеева:** — Мен 1989 йил планини ишлаб чиқишда аввалги хатолар такрорланаётганини қўшимча қилмоқчи эдим. Июль ойида «Узагропромстрой»дан келаси йили бош пудрат бўйича 33 миллион 729 минг сўмлик иш бажаришимиз, аввалги йилга нисбатан 7,4 процент ўсишга эришишимиз лозимлиги бўйича план лойиҳасини олдик. Умумий иш ҳажми ўсиш кўрсаткичи бўйича берилаётган топшириққа эътирозимиз йўқ. Лекин келаси йили қуриладиган объектларимизнинг 40 проценти лойиҳа-смета ҳужжатларига эга эмас. Ахир, қоидага кўра бу ҳужжатларни 1 июлга қадар етказиб беришлари керак эди-ку. Демак келаси йили ҳам бизга область ва район ташкилотлари реал бўлмаган объектларни зўрлаб беришади, шекилли. Шундай бўлгач, қандай иқтисодий бошқарув ҳақида гапириш мумкин. Қачонгача илгариги хатолар такрорланади?

**Б. Ёқубов:** — Хўжаликни бошқаришнинг янги усулига ўтишга тараддуд кўраётганимизда ишимизга тўғаноқ бўлаётган камчиликларни аниқлаб олдик. Эндиликда бу нуқсонларни тугатиб бораётирмиз. Олға ҳаракат қилиш қаршиликсиз бўлмаяпти. Биз эришган ютуқлар бир ярим йил ичида янгича шароитда ишлаб тўплаган озми-кўпми тажрибаларимиз бундан ҳам салмоқли бўлиши мумкинмиди? Агар ортиқча асабийликка йўл қўйилмаганида буюртмачиларга, таъминотчиларга арзимас майда-чуйдани олиш учун ялиниб-ёлвормаганимизда, хўжасизлик, бюрократик тўсиқларга дуч келмаганимизда, албатта зафарларимиз залворлироқ, тажрибаларимиз янада салмоқли бўларди.

Шу йилнинг январь — июнь ойларида эришган кўрсаткичларимиз кўнгилли бўлди. Ниҳоят, меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғини ошириб бажардик. Ярим йилда ҳар бир қурувчи ўртача 5286 сўмлик иш бажариб, бу борадаги планни 104,2 процент адо этдик. Бош пудрат ва ўз кучларимиз билан иш бажариш топшириғи ҳам муваффақиятли амалга оширилди. 1987 йилга нисбатан бош пудрат бўйича 1.910 минг сўмлик кўп иш адо этилди. Шу билан бирга, ишловчилар сонини 128 нафар қисқартирдик. Бунга меҳнат унумдорлигини ўстириш, иш вақтидан самарали фойдаланиш эвазига эришдик.

## Оқилона иш юритиб

**Ю. Машарипов:** — Бирлашманинг ютуғида бизнинг ҳам ҳиссамиз бор. «Янгиобод» ва «Гулшан» совхозларида турар жойлар қурдик. Бошқа бир қатор объектлар ҳам барпо этилди. Ярим йилда 24,8 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардик. Бу, планда белгиланганидан 7 минг сўмлик кўп. Қурувчиларнинг ўртача ойлик маоши 250 сўмдан ортди.

Мендан кўпинча: «Бригада аъзоларини унумли ишлашга нима мажбур қилади, улар кўп пул топиш-у, шоншуҳратга шунчалар ишқивозми?», — деб сўрашади. Бошлиқларимиз моддий ва маънавий рағбатлантиришни қандай қилиб бир-бирига узвий боғлаш ҳақида бош қотираётганликлари бизга маълум. Сидқидилдан ишлайдиган қурувчилар фахрий ёрлиғ-у мақтовларга кўмилиб юришса ҳам ҳамёнлари бўш бўлган пайтларни биламан. Кўп пул ишлаганларни олғирлар, учарлар, деб атардик. Лекин бу ҳол узоқ давом этиши мумкин эмас эди. Бизнинг колоннамиз, кейинроқ бирлашмамиз коллектив пудратга ўтгач, ҳар ким қилган меҳнатига яраша тақдирланадиган бўлди. Меҳнат коллективи кенгаши қурувчиларнинг умумий ишга қўшган ҳиссасига қараб ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантиришни жорий этди.

Хўжалик ҳисоби асосида ишлаб, ўз-ўзимизни маблағ билан таъминлашга ўтганимиздан бери ҳақ-ҳуқуқимизни таниб, бурчимизни ҳам англай бошладик. Чек системаси жорий қилиниши ресурсларни тежаб ишлатишга бизни даъват этяпти. Чунки иқтисод қилинган материалларнинг 40 процентгача бўлган миқдорини мукофот тарзида оламиз.

**К. Бобожонов:** — Машариповнинг фикрига қўшимча қилиб чек системаси 296- ва 297-колонналаримизда ҳам муваффақиятли қўлланилаётганини айтиб ўтмоқчиман. Чек системасининг моҳияти хусусида ҳам тўхталсам. Маълумки, ҳар бир объектга лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан ресурслар берилади. Объектни қураётган бригада материалдан қанча фойдаланса, чек дафтарчаси билан ҳисоб-китоб юритади. Харажатлар қатъий назорат қилиб борилади.

Чек системаси бригада бошлиғимиз айтганидек, ҳар бир кишидан материалларни ва бошқа ресурсларни тежаб-тергаб ишлатишга даъват этади. Агар лимитда белгиланганидан ортиқча маблағ сарфланса, бригадир маошининг 75 процентигача қисми чегириб қолиниши мумкин.

## Умумий ишга ҳисса

**К. Бобожонов:** — Менимча, бригадирлар бундан кейин ҳам материалларни тежаб-тергаб ишлатишади. Хўжалик ҳисоби кишиларни тежамкор, меҳнатсевар, ўзи ва ўзгаларнинг иши учун масъулият руҳида тарбиялаётгани ҳақида жуда кўп мисол келтиришим мумкин. Шовотдаги 297-колоннанинг Ю. Қурёзов бошлиқ бригадаси бунга мисол бўлади. Хўжалик ҳисобидаги комплекс бригадаларимиз 22,5 минг квадрат-метр ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баробар кўп турар жойларни қуриб, фойдаланишга топширдилар. Йиғма уйсозлик ҳажми уч марта ошиб, ҳозир 4000 квадратметрни ташкил этади. Бунга фан-техника ютуқларидан кенг кўламда фойдаланиш туфайли эришдик. Агар Қарши ва Нукусдаги заводлар керамзит билан яхшироқ таъминланганларида бу соҳада янада катта кўрсаткични қўлга киритардик.

Мактаблар қурилиши ҳам яхшиланди. 2663 ўринли, жумладан, Нариманов номли колхозда 1136 ўқувчига мўлжалланган мактаблар қуриб, фойдаланишга топширилди. Боғот ва Хива районларида ҳунар-техника билим юртлари барпо этилди.

**С. Матвеева:** — Хивадаги тухум етиштиришга ихтисослашган паррандачилик фабрикасини олти йилдан бери битказолмаяпмиз. Лойиҳа-смета ҳужжатлари вақтида берилмаганини, маблағ билан таъминлашдаги узилишлар, буюртмачи — «Узптицепром» бажарилган ишларга ўз вақтида ҳақ тўламагани каби бир қатор сабаблар оқибатида корхонанинг биринчи навбати 1987 йилда битказилмади. Бироқ бу йил ҳам объект қурилишининг техник ҳужжатлари тўла берилганича йўқ.

**А. Машарипов:** — Планлаштиришни қандай тартибга солиш керак? Менимча, бунинг учун «Узагропромстрой» ва маҳаллий ташкилотлар давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунга кўра иш юритишлари зарур, деб ҳисоблайман. Унда, жумладан, планлаштириш юқоридан пастга эмас, балки, аксинча, амалга оширилиши лозимлиги қайд қилинган. Биз реал, ўз имкониятларимизга мос планларга эга бўлиш чорасини кўришимиз зарур.

Коллективимиз ана шундай планга эга бўлгани учун ҳам қисқа вақтда колоқликдан қутилиб, бирлашмада илғор колонна, деган шарафли номга сазовор бўлди.

**С. Аминов:** — Планлаштириш бригада бўйича, ҳар бир қурувчининг имкониятига қараб белгиланаётгани бизни мамнун этяпти. Мен К. Қаландаров бошлиқ комплекс бригадада ишлайман. Кейинги пайтларда бригададошларим билан иқтисод ва тежамкорликка алоҳида аҳамият беряпмиз. Агар ҳисоб-китобни билмасак, хўжалик юритишни тубдан ислоҳ қилишга эришолмаймиз. Бунга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Мен шу кунларда иш вақтидан унумли фойдаланиш эвазига ҳар сменада нормадаги 1,8 кубометр ўрнига 2,5 минг куб метрдан бетон ишларини бажаряпман.

## Фонд-ку бор, хўш, кейин-чи?

**А. Машарипов:** — Иқтисодий рағбатлантиришсиз хўжалик ҳисобида ишловчи коллективлар бир маромда меҳнат қила олмайдилар. Ўз-ўзини бошқариш ва маблағ билан таъминлаш принциплари қарор топмайди. Аммо бу ҳақда жуда кам фикр юритамиз.

**С. Матвеева:** — Бирлашма ўтган ярим йилликда 1.600 минг сўм фойда олди. Унинг 600 минг сўми планга қўшимчадир. Албатта, моддий рағбатлантириш фонди ҳам ўсди. Ўз жамғармамиз ҳисобига ишлаб чиқариш базамизни такомиллаштиряпмиз, социал масалаларни ҳал этяпмиз. Урганчда ходимларимизга атаб 40 хонадонга мўлжалланган уй қуриляпти. Келаси йилги планимизда 140 ўринли болалар боғчаси, бошқа бир қатор социал объектлар қуриш кўзда тутилган.

Фондлардан фойдаланишда бизнинг мустақиллигимиз ва ўз-ўзимизни бошқариш бўйича ҳуқуқларимиз чегараланган. Ўзимиз учун қурадиган объектимизни ҳам юқоридан планлаштириб беришади. Шунинг учун баъзи объектларни қуришга маблағимиз, эҳтиёж бўлса ҳам пудрат ишлари планига киритолмаяпмиз. Ишлаб чиқаришдан олинаётган фойданинг 50 процентини «Узагропромстрой» ўзида қолдириб, уни кам қувватли, зарар келтириб ишлаётган коллективларга бўлиб беряпти. Тўла хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаётган коллектив давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунда белгиланган ўзи ишлаб топган маблағдан фойдаланиш бўйича берилган мустақилликдан қачон баҳраманд бўлади?

**РЕДАКЦИЯДАН: Давра суҳбати иштирокчиларининг сўзларига қараганда, ҳали область бирлашмасининг районлардаги бўлинмалари бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулидан қутулмаганликлари оқибатида мустақиллик борасидаги ҳуқуқларидан тўла фойдалана олишмаяпти. Янги хўжалик механизми афзалликларидан манфаат кўришмаяпти. Бу эса эришилаётган ютуқларнинг янада самарали бўлишига тўғаноқ бўлмоқда. «Узагропромстрой», область агросаноат комитети, РАПОлар 2-«Хоразмоблагропромстрой» трестида тўла хўжалик ҳисоби ўзининг барча имкониятларини намойиш этишига яқиндан ёрдам беришлари зарур.**

**Суҳбатни И. АХМЕТОВ ва Ж. ХОЛҚОСИМОВ ёзиб олдилар.**



**Пропагандистдан кишиларни сиёсий жиҳатдан етук фикр юритиш ва ҳаракат қила олиш, назарий билимларни амалда қўлланишга ўргатиш талаб қилинади. Изом Мўминов ана шундай фазилатларга эга. У Бухоро область Свердлов районидаги 4-ўқув ишлаб чиқариш комбинатининг ўқитувчиси. Айни пайтда Киров номли колхоздаги партия сиёсий мактабида марксизм-ленинизм асослари курси бўйича пропагандистлик ҳам қиляпти. У хўжаликда меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор формаларини оммалаштиришнинг энг фаол тарғиботчиси ҳамдир.**

**Суратда: пропагандист И. Мўминов (ўртада) тингловчилардан И. Тўраев ва Н. Бўронов билан янги ўқув йилига тайёргарлик ҳақида суҳбатлашмоқда.**

**Ҳ. Қурбонов фотоси.**

## ТУПЛАМ ЧИҚАРИЛДИ

Сиёсий адабиёт нашриёти «Ҳаракат даври, амалий иш даври» тўпламини босиб чиқарди. Китобчага КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг 1988 йил 12-16 сентябрь кунлари Красноярск бўйлаб қилган сафари тўғрисидаги материаллар, унинг ўлка меҳнаткашлари намояндалари билан учрашувда сўзлаган нутқи киритилган.

Китобча «Красний пролетарий» босмахонасида нашр этилди. (ТАСС).

## ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Гваделупа Коммунистик партиясининг раиси Ги Данент республика ҳаёти билан танишмоқда. У Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрди. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг активлари билан учрашди.

Ги Данент Бухорога сафар қилади. (ЎзТАГ).

• *Матбуот обзори*

# Газета ташаббуси

Бир вақтлар Қибрай, Бойтиқўрғон, Чинобод далаларида ажойиб полизлар бўларди. Афсуски, сўнгги пайтларда Оржоникидзе районининг хўжаликларида қовун-тарвузлар экилмай қўйди. Колхоз ва совхозлар асосан боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослаштириб юборилди. Кимнингдир «Еримизда полиз экинлари яхши ўсмайди» деган гапи кейинчалик кўпчиликнинг онгига ўрнашиб қолди.

Оржоникидзе район **«Коммунизм тонги»** газетаси ходими С. Мирзаалиев газетанинг 1987 йил 25 июнь сонида ана шу муаммони кўтариб чиқди. Журналист 15-20 йил илгари далаларимизда ширин-шакар қовун-тарвузлар етиштириларди, бугунга келиб нега полизчилик билан шуғулланилмаяпти, деган масалани ўртага қўйди. Шундан сўнг газетага кўплаб хатлар кела бошлади. Кекса деҳқонлар, мутахассислар, оддий газетхонлар ўз мулоҳазаларини билдиришди. Мунозара кенг тус олди. Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти Ўрта Осиё филиали олимлари районда полиз экинлари етиштириш мумкинлигини илмий асослаб беришди.

Газета кўтарган муаммо район агросаноат бирлашмасида муҳокама қилинди ва 1988 йил планига полиз маҳсулотлари етиштириш вазифаси ҳам киритилди. Шу тариқа район меҳнаткашлари «Октябрь», «Маданият» колхозлари, Оржоникидзе номли, «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхозларида етиштирилган ширин-шакар қовун-тарвузлардан баҳраманд бўлдилар.

Улуғ Ватан уруши йилларида ҳаракатдаги армия сафида 12 мингдан зиёд оржоникидзелик жангчи немис фашистларига қарши курашда иштирок этди. Улардан 8 минг нафари қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Бироқ уруш тугаганига 43 йил бўлганига қарамай, районда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ёдгорлик ўрнатилмаган. Бу хайрли иш маблағ йўқлиги туфайли рўёбга чиқмаяпти.

Район газетаси ёдгорлик қурилиши учун маблағ тўплаш мақсадида ҳисоб счети очиш масаласини газетхонлар муҳокамасига қўйди. «Коммунизм тонги» газетаси кубоги учун олиб борилаётган футбол мусобақаларининг финал ўйини пайтида стадионда лотерея ўйини ташкил этилди. Ундан тушган маблағнинг 3762 сўми ёдгорлик қурилиши счетига ўтказилди. Газета редакциясининг ушбу ибратли ташаббуси район партия комитети бюросида маъқулланиб, оммалаштирилди. Ҳозир кўплаб коллективлар, меҳнаткашлар ана шу маблағга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ёдгорлик фондида бугунги кунгача 11 минг сўмдан ортиқ маблағ тўпланди.

Ошкоралик даври матбуот органлари ишини тубдан қайта қуриб, газетанинг омма билан алоқасини мустаҳкамлашнинг турли шакл ва усулларини излашни тақозо этмоқда. Бу ўринда «Коммунизм тонги» газетаси ходимлари замон талабини, давр руҳини тўғри англашаётганини эътироф этиш зарур. Редакция омма билан мулоқотнинг янги формаларини ахтармоқда. Ана шу изланишлардан бири улароқ, қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетлари қошида редакция қабулхоналари ташкил қилинганлигини айтиш мумкин. Қабул кунлари ҳақида газетада олдиндан эълон берилмоқда. Меҳнаткашлар газета ходимлари ўз ҳузурларига келганликларидан ниҳоятда мамнун бўлмоқдалар. Қабул пайтида улар ижтимоий, маданий-маиший ҳаётнинг энг долзарб муаммоларини тилга олишиб, уларни бартараф этишда ёрдам сўрашмоқда. Чунончи, Салор посёлка Совети ижроия комитетида бўлиб ўтган редакция қабул кунида қирққа яқин киши газетага ана шу талаб ва истаклар билан мурожаат этди. Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятлари, улар асосида амалга оширилаётган тадбирлар район газетасида мунтазам ёритиляпти.

Газетанинг долзарб мавзудаги чиқишлари район партия комитети ва район ижроия комитети томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Шунингдек, райком газетанинг танқидий руҳи, мазмуни ва мундарижасини кенгайтириш борасида ҳам конкрет амалий ёрдам беряпти. Шу боисдан ҳам район газетасининг оммавийлиги, таъсирчанлиги, тарбиявий ва ташкилотчилик роли ошмоқда.

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

## ДЎСТЛИК БИЛАН КУЧЛИМИЗ

— Биз самимият, дўстлик, астойдиллик, ғамхўрлик учун чин қалбдан миннатдорчилик изҳор қиламиз, деди Сурхондарёда дам олаётган Афғонистоннинг Балх вилояти вакиллари группасининг раҳбари касаба союз ходими Абдул Жаббор.

Мозори Шариф ва Ҳайратон шаҳарларидан келган эллик киши икки ҳафта давомида «Сурхон» профилакториясида дам олди. Улар физиотерапевтика процедуралари курси, шунингдек пухта медицина текширувидан ўтдилар. Бу ишларни область марказининг малакали врачлари амалга оширдилар.

Дам олувчилар учун областнинг диққатга сазовор жойлари бўйлаб экскурсиялар уюштирилди. Сентябрь ойининг биринчи ярмида афғонистонликларнинг бошқа группаси «Хандиза» дам олиш уйида бўлди. Ёзда эса областнинг пионер лагерларида афғонистонлик икки юз бола дам олди.

Сурхондарё касаба союзлари область Совети билан Балх вилояти касаба союзлари кенгаши ўртасида тузилган бевосита оталиқ алоқалари тўғрисидаги шартнома шу тариқа бажарилмоқда.

(ЎзТАГ).

## ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ МЕҲМОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистонга гастролга келган Киев шаҳар қўғирчоқ театрининг репертуари унча катта эмас. Лекин бутун бир эртаклар олами мужассам бўлган театр саҳнасида «Рус халқ эртаклари» асосида тайёрланган инсценировкани ҳам, чех ёзувчиси Л. Дворскийнинг «Сакраётган малика» асарини ҳам, Н. Осипованинг Грузия эртаклари асосида яратган «Бир ярим ҳовуч» пьесасини ҳам, Шарл Перронинг «Қизил шапкача» ҳақидаги эртагининг янги вариантини ҳам томоша қилиш мумкин. «Қизил шапкача» ҳақидаги бу пьесани С. Коган билан С. Ефремов ёзган.

Мазкур театр артистлари республикамизга илк бор ташриф буюришди. Улар фақат Тошкентда эмас, Янгийўл, Чирчиқ шаҳарларида, район марказларида ҳам ўз спектаклларини томошабинлар ҳукмига ҳавола қилишади.

Худди шу вақтда украин диёрининг ёш томошабинлари Тошкент қўғирчоқ театри коллективини қабул қиладилар.

(ЎзТАГ).

Малайзия ёзувчилари миллий кенгаши республика Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети билан Ўзбекистон ёзувчилари асарларини нашр этиш ҳақида шартнома тузди. Таржима қилиш учун танлаб олинган китоблар ичида Абдулла Орипов ва Рамз Бобожон, Туроб Тўла ва Эркин Воҳидовнинг шеърлари, Саид Аҳмад ва Сами Абдуқаҳҳорнинг пъесалари,

## МАЛАЙЗИЯЛИК МЕҲМОНЛАР

бошқа адиб ва шоирларнинг асарлари бор.

Ўзбекистонда эса Малайзиянинг энг машҳур ёзувчиларидан олти кишининг — Исмоил Хусайн ва Муҳаммад Аренавати, Анвар Ридвон ва Жиҳати Оббодий, Исмоил Аббос ва Ҳасан бин Муҳаммад Алининг китоблари нашр этилади. Малайзиялик меҳмонлар СССР Ёзувчилар союзининг таклифига биноан мамлакатимизга келишган ва улар Ўрта Осиё республикалари ҳамда Қозоғистон бўйлаб сафар қилишади.

— Бизни замонавий ўзбек адабиёти, айниқса поэзияси қизиқтириб қолди. Бу поэзия жуда инсонпарвар, чуқур фалсафий мазмунга эга, — деди делегация бошлиғи, Малайзия ёзувчилари миллий иттифоқининг раиси Исмоил Ҳусайн. — Мамлакатимиздаги асосий тилларга — Малайзия, хитой ва ҳинд тилларига таржима қилинадиган бу китоблар ўқувчиларимизни қизиқтиради, деб ўйлайман.

(ЎзТАГ).

## Монголия цирки Навоийда

Монгол цирки артистлари манежда эмас, Навоий шаҳридаги «Суғдиёна» марказий стадионининг яшил майдонида томоша кўрсата бошладилар. «Биз — Монголия ёшлиги» деб атаган программада томошабинлар замонавий номерларнигина эмас, айни вақтда қадим замонларда ҳам машҳур бўлган чавандозлик санъатини, халқ кураши, камондан отиш санъатини ҳам томоша қиладилар.

Монголия цирки Совет Иттифоқида илк бир гастролга келди. Улар республикамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам томошалар кўрсатишади.

(ЎзТАГ).

# СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ГАСТРОЛГА

НЬЮ-ЙОРК. ТАСС мухбири Владимир Кикило хабар қилади:

«Сиз қаерга борманг, инсонлар ҳамма ерда ҳам инсонлигича қолади. Мен мамлакатингизга худди ана шу ҳис-туйғу билан жўнаб кетяпман», — дейди америкалик қўшиқчи ва композитор Питер Химмелмэн.

У бошқараётган рок-группа давлат концерт ташкилотининг таклифига биноан сешанба куни Совет Иттифоқига жўнаб кетди. Олти ҳафталик гастроллар октябрь ойида Тбилисида бошланади. Сўнгра америкалик ижрочилар ижоди билан Ереван, Боку, Тошкент, Душанбе аҳолиси танишади. Группанинг сафари 13 ноябрь куни Олма-ота шаҳрида ниҳоясига етади. Химмелмэн ва унинг ансамбли ҳар бир шаҳарда 6 тадан, жами 36 та концерт беради.

«Нима учун сизнинг мамлакатингизга боряпман, дейсизми? Менга сўнгги кунларда шу ҳақда тез-тез савол беришмоқда, деди Питер Москвага жўнаб кетиш олдидан суҳбатда. — Бу саволга шунчаки жавоб бериш мумкин эмас. Биринчидан, одамларга хос қизиқиш бўлса керак. Чунки Совет Иттифоқи мен учун доимо ер юзидаги энг узоқ жой бўлган. Сатурн ҳам узоқда жойлашган. Лекин, ҳар ҳолда Сатурнга боришдан қўрққан бўлардим».

Химмелмэн бундан 28 йил муқаддам Миннесота штатининг Миннеаполис шаҳри яқинида туғилган. Унинг музика қобилияти жуда эрта намоён бўлди. Питер олтинчи синфда акустик гитара ва саксофон чалишни ўрганди, қўшиқлар ёзди ва ўзининг рок-группасини ташкил этди. Эндигина ўз ижодини бошлаган музикачига Жими Хендрикс, «Битлз» ва «Криденс клиэруотер ривайвэл» ансамбллари жуда катта таъсир кўрсатди. Питер мактабда ўқиб юрган йилларида кўпинча машғулотларга келмас, бунинг ўрнига Миннеаполисга боришни, у ерда қора танли музикачилар группаси билан куйлар ижро этишни афзал кўрарди.

Питер мактабни тугатгач, маҳаллий телевизион станцияга ишга жойлашди. Бу ерда комедиялар сценарийларини ҳамда ёшлар учун телетомошалар рекламаларини ёзиб, пул топарди. Питернинг рок-группаси худди ана шу телевизион станцияда илк бор концерт берди. Рок-группа сценарийси Химмелмэннинг тахаллуси-Сассмен Лоуренс номи билан аталди.

Кейинги бир неча йил ўрта ғарб бўйлаб сон-саноқсиз гастроллар, клублар ва барлардаги концертлар билан ўтди. 1984 йил охирларида ижодий группа ўз кучини Нью-Йоркда ва Шимоли-Шарқий соҳилнинг бошқа маданий марказларида синаб кўришга аҳд қилди. Бир йилдан сўнг пайдо бўлган дастлабки «Сассмен Лоуренс»-«Поп-сити» қўшалоқ альбоми унга шуҳрат келтирди. Томошабинлар ансамблни тан олган эдилар. Шундан сўнг «Ота куни» ва «Жематрия» номи билан иккита альбом чиқарилди. Мамлакат бўйлаб сон-саноқсиз гастроллар бошланди.

Химмелмэн ва унинг ўртоқлари Жефф Виктор, Ал Воловитц ва Эндрю Кэммэннинг музика услуби қандай? «Бу услубни бир сўз билан таърифлаб бўлмайди, — дейди Питер. — У энг аввало турли услублардан, жумладан реггей, кантри, блюз услубларидан ташкил топган». Питернинг музикаси жуда оҳангдор, дейди менга «Билборд» журналининг музика танқидчиси Жими Бессмэн. «Мен уни ижро услуби жиҳатидан Брюс Спрингстин билан тенглаштирган бўлур эдим», — дея қўшимча қилди у.

«Мен учун энг муҳими — тингловчиларга бор ҳис-ҳаяжонимни етказишдир, — дейди қўшиқчи. — Совет тингловчилари билан учрашувда шунга эришаманми ёки йўқми, ҳозирча билмайман. Менинг музикамга улар қандай муносабатда бўлишаркин? Бу сафарнинг ҳаммаси мен учун жиддий имтиҳон бўлади. Лекин аудитория билан менинг ўртамда ҳақиқий, инсоний мулоқот бўлишига ишонаман. Мен одамларга кўрсата олишим мумкин бўлган ҳар қандай таъсир ижобий бўлишига ҳам ишонаман».

Питер Совет Иттифоқига сиёсий миссия билан жўнаб кетмаётганлигига очиқ-ойдин ишора қилади, лекин ўзини элчи сифатида ҳис қилаётганини яширмайди. «Совет кишилари менинг тимсолимда сиёсатчи ёки рекламани эмас, балки оддий бир инсонни кўрадилар, деб ишонаман». Бинобарин, у ўзининг СССРга сафарига, энг аввало Екатеринославль (ҳозирги Днепропетровск) шаҳрида туғилган бобосининг ватани ҳақида кўпроқ билиб олиш учун пайдо бўлган ажойиб имконият сифатида қарамоқда.

«Мен ўзимиз бўладиган ҳар бир шаҳар ҳақида озми-кўпми биламан, — дейди у. — Улар ҳақида у-бу нарсани ўқиганман. Тбилиси ва Тошкент тўғрисида бир неча бор эшитганман».

Питер буюк рус адабиётини жуда яхши билади. Бу адабиёт ўзининг юксак романтизми, руҳий кечинмаларга бойлиги, ҳаётни қандай бўлса шундайлигича тўла акс эттириши билан унга доимо қадрли ва қимматли бўлиб келган.

Химмелмэн ва унинг ҳамкасблари Совет Иттифоқида бўлишни орзу қилишарди. Кўпдан бери тинчлик бермаётган бу орзу сўнгги икки-уч йил ичида мамлакатимиз революцион ўзгартишлар даврига кирганида, ғарбда эса унга нисбатан қизиқиш бекиёс ортганида яна ҳам кучайди. Энди уларнинг орзуси рўёбга чиқмоқда. Питер ва унинг дўстлари ўзларининг бу орзулари ошкоралик сиёсати туфайли рўёбга чиққанлигига ишончлари комил.

